

## **2-мавзу: Реал сектор, унинг иқтисодиётда тутган ўрни**

- 1. Реал сектор, унинг бошқа секторлар билан ўзаро алоқаси.**
- 2. Иқтисодий ўсиш, унинг омиллари ва турлари.**
- 3. ЯИМ тушунчаси ва уни ҳисоблаш усуллари.**
- 4. Асосий агрегат кўрсаткичлар.**


## **Иқтисодий муносабатларда иштирок этувчи асосий субъектлар/агентлар**

- 1. Уй хўжаликлари/истеъмолчилар**
- 2. Номолиявий ташкилотлар**
- 3. Молиявий ташкилотлар**
- 4. Давлат/ҳукумат**
- 5. Ташқи дунё**

# Реал сектор билан бошқа секторларнинг ўзаро алоқаси



Иқтисодий даврлар түрттә босқични ўз ичига олади: «чўққи», пасайиш (рецессия), пасайишнинг куйи нуқтасидаги турғунлик, кўтарилиш босқичи.



Билмасликдан қўрқма, сохта билимдан қўрқ. Дунёдаги ҳамма ёмонлик шундан. *Л.Н. Толстой*

# Иқтисодий ўсишнинг икки усули

ЯЛПИ ИЧКИ  
МАҲСУЛОТ

Экстенсив

Интенсив



Экстенсив усул – иқтисодий ўсишга ишлаб чиқариш ресурсларининг микдорий ўсиши орқали эришиш.



Интенсив усул – иқтисодий ўсишга ишлаб чиқариш ресурсларини сифат жиҳатдан такомиллаштириш, улардан самарали фойдаланиш орқали эришиш.

Үйланиш ҳуқуқларнинг ярмини камайтириш, мажбуриятларни эса икки баравар ошириш демакдир.

Артур Шопенгауэр

# Иқтисодий ўсишнинг омиллари ва турлари

Иқтисодий ўсишга таъсир қилиш доирасига кўра омиллар икки турга:  
бевосита ва билвоситага бўлинади.

## Бевосита омиллар (таклиф омиллари):

- Мехнат ресурсларининг сони ва сифати;
- Табиий ресурсларнинг ҳажми ва сифати;
- Асосий капиталнинг ҳажми;
- Ишлаб чиқариш технологияси ва уни ташкил этиш;
- Жамиятда тадбиркорлик қобилияти ривожланишининг даражаси.

## Билвосита омиллар (талаб ва тақсимлаш омиллари):

### Талаб омиллари:

- Истеъмол, инвестиция ва давлат харожатлари;
- Экспортнинг кенгайиши.

### Тақсимлаш омиллари:

- Бозорнинг монополлашув даражасининг пасайиши;
- Иқтисодиётда солик муҳити;
- Банк-кредит тизимининг самарадорлиги;
- Иқтисодиётда ишлаб чиқариш ресурсларини қайта тақсимлаш имконияти;
- Даромадларни тақсимлашнинг амалдаги тизими.

## Иқтисодий ўсишнинг замонавий назариялари

### • Неоклассик назария:

- Соф рақобат ва тўлиқ бандликни тарғиб қилишади
- Жамғарма тўлиқ инвестицияни таъминлайди

2

### • Неокейнсилар назарияси:

- Иқтисодий ўсиш талаб ва инвестициялар ҳажмининг ўсиши орқали таъминланади

1

### • Иқтисодий ўсишнинг эмперик назарияси:

- Иқтисодий ўсишга таъсир қиласидиган омилларнинг эмперик тадқиқоти

3

### • Иқтисодий ўсишнинг янги назарияси (эндоген ўсиш):

- Инсон капитали ва инновацион технологияларга урғу берилиши

4

Эй, мақтанчоқ ва ўзбилармон одамзод! Лоақал оёғинг остида топталувчи оддий чувалчангни яратиб кўр-чи!

**Лабрюйер**

# Иқтисодий ўсишнинг мазмуни

- ❖ Мамлакатда ялпи реал ишлаб чиқаришнинг ўсиши;
- ❖ Жон бошига тўғри келадиган реал даромаднинг ўсиши;
- ❖ Иқтисодиётда битта банд кишига (битта банд аҳолига) тўғри келадиган даромаднинг ўсиши



С. Кузнец  
30.04.1901  
09.07.1985

С.Кузнец 1971 йилда Нобель мукофотига сазовор бўлган. Иқтисодий ўсишнинг сабаб ва омилларини ёритиб берган.

**Барча ривожланган мамлакатларга хос бўлган иқтисодий ўсишнинг олтида тавсифини келтирган:**

1. Жон бошига тўғри келадиган даромад ва аҳолининг юқори суръатлар билан ўсиши;
2. Ишлаб чиқариш омилларининг юқори суръатлар билан ўсиши, айниқса меҳнат омилининг;
3. Иқтисодиётнинг юқори суръатар билан таркибий трансформацияси;
4. Жамиятнинг юқори суръатлар билан ижтимоий ва психологик трансформацияси;
5. Ривожланган давлатларнинг хориждан ташқи бозор ва арzon хом ашё ресурсларини топа олиш имконияти;
6. Иқтисодий ўсиш суръатларининг бундай натижалари билан дунё аҳолисининг учдан бир қисмининг (1/3) қамраб олиниши.

**Миллий  
маҳсулотнинг  
ўсиши**



**Техника  
тараққиёти**



**Институционал ва  
ѓоявий ўзгаришлар**

**Иқтисодий ўсиш**

Хаёт характерни тақозо этади. Арасту

**Иқтисодий ўсишнинг эмперик назарияси асосчилари:  
Р.Барро, Сала ва Мартин, В.Попов, В.Палтеровичлар томонидан иқтисодий  
ўсишни таъминловчи қуидаги омилларни келтириб ўтганлар**

**Инсон капиталининг сифат жиҳатидан яхшиланиши**

**Давлат институтларининг самарали фаолият юритиши**

**Қулай инвестиция муҳити**

**Макроиқтисодий тартибга солишининг мақбул сиёсати**

**Очиқ иқтисодиёт ва иқтисодиётнинг либераллашуви**

**Иқтисодий ресурсларнинг оқилона тақсимланиши**

- Миллий даромад ва миллий маҳсулот** категорияларини ҳисоблаш ва унинг асосий элементларини таҳлил этиш;
- Ялпи ички маҳсулот** тушунчасини англаб этиш ва уни турли хилда ҳисоблаш йўлларини ўрганиш;
- ЯИМни бошқа иқтисодий агрегатлашган кўрсаткичлар билан боғлиқлигини тушуниш;
- Инфляция**, уни ҳисоблаш йўлларини англаб этиш;
- ЯИМнинг ўсишини таҳлил этиш**
- Шахсий истеъмол ва инвестицияларни таҳлил этиш**

Энг узоқ умрнинг энг қисқа умрдан сира фарқи йўқ. Ҳеч ким ўтмишдан ҳам, келажакдан ҳам ажрала олмайди.

*Марк Аврелий*

**ЯИМ** - мамлакат резидентлари ва норезидентлари томонидан маълум **муддат** давомида ишлаб чиқарилган **пировард** товарлар ва хизматлар **бозор баҳоларининг** умумий йигиндисидан иборат.

**ЯИМ уч хил усул билан ҳисобланади:**

1. **ишлаб чиқариш усули**
2. **харажатлар усули**
3. **даромадлар усули.**

Ҳар учала усул билан ҳисобланган ЯИМ кўрсаткичи ҳажми статистик хатолар истисно этилганда ўзаро тенг бўлиши лозим. Шу бирга бирга, ҳар учала усул билан ЯИМ кўрсаткични ҳисоблашда ўзига хос талабларга амал қилиниши талаб этилади.

<b>Фермер ҳўжалиги</b>	
Ишчиларга тўланган иш ҳақи	15000
Давлатга тўланган солик	5000
Помидорларни сотишдан тушган даромадлар, шундан:	35000
А) Аҳолига сотилган	10000
Б) “Балтимор” МЧЖга сотилган	25000
<b>“Балтимор” МЧЖ</b>	
Ишчиларга тўланган иш ҳақи	10000
Давлатга тўланган солик	2000
Фермер ҳўжалигидан сотиб олинган хом ашёга харажатлар	25000
Томат сокларини сотишдан тушган даромад	40000

# ЯИМни хисоблашнинг ишлаб чиқариш усули

**ЯИМ** - мамлакат резидентлари ва норезидентлари томонидан маълум **муддат** давомида ишлаб чиқарилган **пировард** товарлар ва хизматлар **бозор баҳоларининг** умумий йифиндисидан иборат.



# Соф бозор иқтисодиёти шароитида “ресурслар - махсулотлар” ва “даромадлар – харажатлар” нинг доиравий айланиши модели (Ёпик иқтисодиётда)



Хар қандай ҳақиқат эгри. Чунки вақтнинг ўзи ҳам бир доирадир. *Фридрих Ницше*

# ЯИМни ҳисоблашнинг ҳаражатлар усули



$$\text{ЯИМ} = C + I + \text{Ex-Im}$$

**Давлатнинг барча резедентлари томонидан  
олинган даромадларнинг йиғиндиси:**

- + ишчиларнинг иш хақлари (иш берувчилик томонидан тўланаётган хак)
- + бизнесни амалга оширишдан тушган ялпи фойда – ўз ичига: фойда, рента ва б.к.
- + субсидияларни чегириб ташлагандан сўнг, истеъмол моллари ва хизматлар кўрсатишдан олинган солиқлар

# ЯИМни ҳисоблаш усуллари

ЯИМ =

Ялпи харажатлар = ялпи ишлаб чиқариш = ялпи даромад

## Харажатлар усули

(истеъмолчиларнинг  
тўлови)

Истеъмол (C)

+ Инвестиция (I)

+ Экспорт (X)

- Импорт (M)

## Ишлаб чиқариш усули

(сотувчиларнинг  
тушуми)

Иқтисодиётда      фаолият  
юритаётган      фирмалар  
томонидан      яратилган  
қишимча      қийматлар  
ҳажми

## Даромадлар усули

(даромадлар)

Ишчиларнинг иш  
ҳақлари

+ ялпи операциялардан  
тушган даромад

+ солиқлар -  
субсидиялар

Эй, мақтанчоқ ва ўзбилармон одамзод! Лоақал оёғинг остида топталувчи оддий чувалчангни яратиб кўр-чи!

Лабрюйер

**ЯМД** - мамлакат резидентлари томонидан, мамлакатда ва мамлакат ташқарисида, ишлаб чиқаришда иштирок этиш ва мулкдан олган бошланғич даромадлари йиғиндисидир.

**ЯМД** = **ЯИМ** + мамлакат резидентлари томонидан хориждан олинган даромадлари - норезидентларнинг мамлакатдан хорижга жүнатган даромадлари.

Соф ички маҳсулот (**СИМ**) ва Соф миллий даромад (**СМД**) кўрсаткичлари **ЯИМ** ва **ЯМД** кўрсаткичларидан амортизация (истеъмол қилинган асосий капитал) суммаси миқдорига фарқ қиласи.

**СИМ** = **ЯИМ** - А

**СМД** = **ЯМД** - А

**Макроиқтисодий таҳлилда шунингдек МХТга кирмаган Шахсий даромад (ШД) кўрсаикичи ҳам қўланилади.**

**ШД = СМД – [ИСА (Ижтимоий суғурта ажратмалари) + Т (бильосита соликлар) + (Р1.1) корпорация фойдасига соликлар) + Р1.3 (Корпорацияларнинг тақсимланмаган фойдаси + бизнеснинг фоиз даромадлари] + трансферт тўловлари (TR) + фоизлар кўринишида олинган шахсий даромад**

**Фоизлар кўринишида аҳоли олган даромадга давлат қарзлари бўйича олинган фоиз даромадлари ҳам киритилади.**

**ШТД уй хўжаликлари томонидан истеъмол (С) ва жамғариш (S) учун ишлатилади.**

$$\underline{\text{ШТД} = \text{C} + \text{S}}$$

***ЯМТД= ЯМД + Хориждан олинган соф трансферлар***

**Хориждан олинган соф трансферлар = Мамлакат ташқарисидан олинган трансферлар – Мамлакатдан ташқарига берилган трансферлар)**

**ЯМТД= Якуний истеъмол +Миллий жамғармалар**

**Якуний истеъмол уй хўжаликларининг истеъмол харажатларидан ташқари ҳукуматнинг истеъмолга харажатларини ҳам ўз ичига олади.**

Турли макроиқтисодий кўрсаткичлар, ёки кўрсаткичлар гурухлари ўртасидаги мавжуд бўладиган, ёки мавжуд бўлиши иқтисодий қонунийт ҳисобланган ўзаро тенгликка **макроиқтисодий айният** дейилади.

1. Харажатлар ва даромадлар кўринишида ҳисобланган ЯИМ кўрсаткичларининг ўзаро тенглиги асосий макроиқтисодий айният ҳисобланади.

$$Y = C + I + G + X_n$$

Иккинчи бир макроиқтисодий айният инвестициялар ва жамғармалар ўртасидаги тенглик ҳисобланади.

$$S = Sp + Sg + Sr$$

**Хусусий жамғармалар:**  $Sp = (Y + TR + N - T) - C;$

**Давлат жамғармалари:**  $Sg = (T - TR - N) - G.$

Агар жамғарма манфий бўлса, дефицит; мусбат бўлса, профицит дейилади:

$$BT = -Sg$$

**Бошқа мамлакатлар жамғармалари:**  $Sr = M - X$  ёки  $Sx = -X_n$

Бошқа мамлакатларнинг жамғармалари ташқи дунёning бизнинг импортиз ҳисобига олган даромадларидан уларнинг бизнинг экспортимизга сарфланган ҳаражатларини айириб топилади.

Агар мамлакат экспортига нисбатан кўпроқ импорт қилса, унда даромадларнинг бир қисми хорижда қолади ва кейинчалик ундан хорижий шериклар томонидан мамлакатимизда кўчмас мулк ва молиявий актив сотиб олишда фойдаланилади.

*Ҳар қандай ҳолатда ҳам барча турдаги жамғармаларнинг умумий йигиндиси инвестицияларга тенг бўлади:*

$$Sp + Sg + Sr = (Y + TR + N - T) \cdot C + (T - TR - N) \cdot G + (-Xn)$$

ёки

$$Sp + Sd + Sr = Y - C - G - Xn$$
$$S = C + I + G - Xn - C - G - Xn$$
$$S = I$$

Демак, иқтисодиётдаги инвестиция харажатлари нафақат ички жамғармалар ҳисобига, балки ташқи дунё жамғармалари ҳисобига ҳам амалга оширилиши мумкин.

Мамлакатда инвесторларга кафолатланган юқори фойда олиши учун яратилган шарт-шароитлар хорижий инвесторлар оқимиининг ўсишига олиб келувчи муҳим шартлардан биридир.

## Номинал ва реал ЯИМ

Ласпейрс индекси:

$$P_L = \frac{\sum_{i=1}^n P_i^1 * Q_i^0}{\sum_{i=1}^n P_i^0 * Q_i^0}$$

Пааше индекси:


$$P_p = \frac{\sum_{i=1}^n P_i^1 * Q_i^1}{\sum_{i=1}^n P_i^0 * Q_i^1}$$

**ЯИМ дефлятори= Номинал ЯИМ/Реал ЯИМ**

Фишер индекси:

$$P_F = \sqrt{P_L * P_p}$$

## Эндоген назария бўйича инсон капитали ва иқтисодий ўсиш ўртасидаги боғлиқлик (П.Ромер (1986), Р.Лукас (1988))



Кун бўйи тотинмай, узун тунлар бошим ёстиқ кўрмай ўйладим...  
Беармон ўйладим, наф кўрмадим. Ўқиш керак, ўқиши! **Конфуций**

## Инсон тараққиёти

Ижтимоий тақрор и/ч

## Жамоавий капитал, ИТТ ва жамоавий ташкилотлар

### Имкониятлар

Ишчилар, фермерлар, тадбиркорлар, бошқарувчилар

бандлик

И/ч, ИТТРИ ва технология

Ишлар чиқариш структураси ва экспорт

Ижтимоий устувор соҳаларга харажатлар

Давлат сиёсати ва харажатлари

Уй хўжаликлари томонидан кундалик эҳтиёж учун харажатлар

Уй хўжаликларнинг фаолияти ва харажатлари

## Хусусий давлат ресурсларининг тақсимланиши

бандлик

Хорижий жамғармалар

## Иқтисодий ўсиш

Миллий жамғарма

Жисмоний капитал

## Уйга вазифа

Қуидаги кўрсаткичлар берилган (2005 й., млрд сўмда):

Трансферт тўловлари - 4	Амортизация - 7,9
Ялпи ички инвестициялар - 16,2	Шахсий истеъмол - 77,2
Эгри солиқлар - 7	Корпорациялар фойдасига қўйилган солиқ - 1,4
Шахсий даромаддан даромад солиги - 2,6	Социал суғуртага ажратилган бунаклар - 0,2
Соф экспорт - 1,1	Давлатнинг товар ва хизматлар хариди учун сарфлаган харажати - 8,5
Корпорацияларнинг тақсимланмаган фойдаси – 2,8	

### Аниқлансин:

- А) ЯИМ ва шахсий тасарруфдаги даромад;**
- Б) Хусусий жамғарманинг қиймати;**
- В) Иқтисодиётда захира капитали қанчага ўсган?**

**Эътиборларингиз  
учун раҳмат!**